# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 12 апрель, № 71 (6506) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Парламент назорати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Парламент назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Парламент назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Парламент назорати субъектлари**

Парламент назорати субъектлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади);

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари;

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари (бундан буён матнда фракциялар, депутатлар гуруҳлари деб юритилади);

Қонунчилик палатаси депутатлари;

Сенат аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

**4-модда. Парламент назорати объекти**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг (бундан буён матнда Олий Мажлис палаталари деб юритилади) ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас.

**5-модда. Парламент назорати шакллари**

Парламент назорати шакллари қуйидагилардан иборат:

навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) қабул қилиш, шунингдек Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

парламент сўрови;

Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

парламент текшируви.

Парламент назорати қонунга мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**6-модда. Давлат бюджетини қабул қилиш**

Давлат бюджети лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Олий Мажлис палаталарига киритилади.

**(Давоми 2-бетда).**

# МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ



Биз ҳамиша буюк ўтмишимиз, эзгу амаллари туфайли жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган улуғ аждодларимиз билан фахрланамиз. Уларнинг муносиб давомчиси сифатида хайрли юмушлар ташаббускори бўлишга, бунёдкорлик салоҳиятимиз ила она-юртимизни янада обод этишга интиламиз. Зеро, бундай азму шижоат бизга соҳибқирон Амир Темурдан меросдир.

**ЭҲТИРОМ**

Ҳар қанча ғурурлансак арзийди: бугун буюк бобомизнинг адолат, мамлакатни ҳар жиҳатдан тараққий топтиришдек эзгу орзулари ижобат бўлмоқда. Энг муҳими, истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз қадр топди. Тарихий адолат тикланиб, бу беназир зотнинг ҳаёти ва фаолиятига дахлдор холис ҳамда ҳаққоний қарашлар юзага чиқди. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Шу маънода айтиш мумкинки, соҳибқироннинг буюк давлатчилик тарихи, бой мероси, фалсафий мушоҳадага йўғрилган теран ғоя ва қарашларини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш, туб маъно-мазмунини ёш авлод онгига сингдириш беқиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳар йили бобомизнинг таваллуд куни муносабати билан ўтказиладиган маънавий-маърифий анжуманлар ҳам моҳиятан ана шу мақсадга ҳамоҳангдир.

Анъанага мувофиқ, 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида соҳибқирон таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ижодкорлар, ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбирда Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида ўзлигимизни англаш ҳамда миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида Амир Темурга юксак эҳтиром кўрсатиш, жаҳон тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини ўрганиш, бой маънавий меросидан ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

**(Давоми 3-бетда).**

# Шижоатли ёшлар фестивали

Самарқанд вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

"Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур анъанавий тадбирда навқирон авлод вакилларини мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан асраш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, шунингдек, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга чорлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Уч кун давом этган фестивалда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, таниқли санъаткорлар, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, халқаро танловлар ғолиблари иштирокида жойларда учрашувлар ўтказилди.

Жумладан, туман, шаҳар ва таълим даргоҳларида "Сиз севган қаҳрамонлар", "Замонамиз қаҳрамонлари" мавзуида кино ҳамда театр актёрлари ва эстрада хонандалари билан бўлган мулоқотлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, "Ҳоким ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар" мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. Эртамиз эгаларида "оммавий маданият"га қарши иммунитетни шакллантириш, унинг асл моҳиятини, келиб чиқишини тушунтириш кўзда тутилган "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти" тадбирлари, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш мақсадида ишлаб чиқилган "Нуронийлар эъзозимизда" деб номланган уч авлод учрашувлари барчага манзур бўлди.

**(Давоми 3-бетда).**

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида раислиги доирасида жорий йилнинг 13 — 14 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари Котибларининг учрашуви ўтказилади. Ушбу йиғилиш чоғида трансмиллий таҳдидлар, шу жумладан, терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик моддаларини ташиш, трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш масалалари муҳокама қилинади.

# Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим механизми

Ўзбекистон ШҲТ фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгиланган, юқорида кўрсатилган таҳдидлар билан қатъий ва тизимли курашни қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик кенгашлари Котиблари мажлислари институти мамлакатимиз ташаббусига кўра ташкил қилинган бўлиб, биринчи учрашув 2004 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган эди. ШҲТ мамлакатлари Хавфсизлик кенгашлари раҳбарларининг йиғилишлари Ташкилот доирасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчи-консультацион механизми ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, ушбу учрашувлар хавфсизлик жабҳасидаги вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашда, ШҲТ мамлакатларининг хавфсизлик ҳамда барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мулоқотлар доирасидаги музокаралар анъанавий ва янги таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш юзасидан якдил ҳамда ўзаро мақбул ёндашувларнинг ишлаб чиқилишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, Ташкилотнинг ШҲТ кенг маконида тинчликни ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлидаги фаолияти амалий самарадорлигининг ортишига кўмаклашади.

Ушбу йўналишдаги ишлар Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ҳамда экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепцияси, ШҲТнинг терроризмга қарши Конвенцияси, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2016 — 2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Бугун дунёда юзага келган вазият радикал мафкураларнинг глобаллашуви, диний экстремизмнинг тарқалиши, халқаро терроризм хавфининг ортиши билан характерланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТга аъзо давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурати янада ортмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) доирасида кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратади. Тошкент шаҳрида 2004 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу тузилма Ташкилотга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг минтақада барқарорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини жипслаштириш ва улар ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасида самарали восита ҳамда мустаҳкам платформа сифатида хизмат қилади.

Жорий йилнинг 8 апрель куни мамлакатимиз пойтахтида ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги — йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ҳамда бошқа ҳужжатлар ижроси муҳокама этилди. Учрашувда, шунингдек, 2016 йилнинг IV чорагида ШҲТга аъзо ҳамда кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишиб олинди.

**(Давоми 3-бетда).**

# Сайловга тайёргарлик — масъулиятли жараён

Шу йилнинг май — июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига мамлакатимиз бўйлаб пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан жойларда "Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуида семинарлар ўтказилаётир. Мазкур тадбирларда Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўмаклашувчи комиссияси, ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар аъзолари, уларнинг ҳузуридаги ахборот хизматлари вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмалари раислари, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашмоқда.

**МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ**

**Самарқанд**да ўтказилган семинарда таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда жамиятимиз ривожида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунда маҳалла институти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани, унинг ваколатлари, олдига қўйилган вазифалар кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда. Буни вилоятдаги маҳаллалар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунда улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни, вазифаларни бажариб, фуқаролик жамияти институтининг муҳим бўғини сифатида ўзини ҳар жиҳатдан тўлиқ намоён этаяпти.

— Фуқаролар йиғинида сайловга ҳозирлик ишлари изчил олиб борилаётир, — деди Пастдарғом тумани "Дўрмонтепа" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси В. Раҳимов. — Айни пайтгача ишчи гуруҳ хизмат хонаси, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда сайловга доир ҳуқуқий ҳужжатлар, зарур маълумот ва адабиётлар билан тўлиқ таъминланди.

**(Давоми 3-бетда).**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Парламент назорати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат бюджети лойиҳаси фракцияларда, депутатлар гуруҳларида, Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинади, улар Давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодийислоҳотлар қўмитаси фракциялардан, депутатлар гуруҳларидан, Қонунчилик палатаси қўмиталаридан келиб тушган фикрлар ва таклифларни умумлаштиради ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш масаласи бўйича хулоса тайёрлайди.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилаётганда у фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг келиб тушган мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда маромига етказиш учун Вазирлар Маҳкамасига юборилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказади ва уни Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқиши учун киритади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси бўйича қарор Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай қабул қилиниши керак.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

Сенатга келиб тушган Давлат бюджети Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети юзасидан қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилиниши керак.

**7-модда. Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг фикрлари ва таклифлари, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, депутатлар гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама этилганидан кейин Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилади ҳамда Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади.

**8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш**

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Бош вазир томонидан Олий Мажлис палаталарига тақдим этилади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

**9-модда. Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш**

Қонунчилик палатаси, Сенат зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисларида Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиши мумкин.

Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибида эшитилади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Бош вазирнинг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши керак.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалаларига доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкин.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

**10-модда. Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш**

Қонунчилик палатаси, Сенат зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш масаласи Қонунчилик палатаси томонидан фракциялар, депутатлар гуруҳларининг ташаббусига кўра, Сенат томонидан эса, қўмиталарнинг ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, қарор Вазирлар Маҳкамасига олдиндан юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукумат аъзоларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

**11-модда. Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш**

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай ўз мажлисида Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитади.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботи дастлабки тарзда фракциялар, депутатлар гуруҳлари, шунингдек Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ҳисоб палатасига ва Сенатга юборилади.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ҳисоб палатасининг ҳисоботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ҳисоб палатасига ва Қонунчилик палатасига юборилади.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборилади.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади.

**14-модда. Парламент сўрови**

Қонунчилик палатаси, Сенат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қўмиталар, фракциялар, депутатлар гуруҳлари томонидан, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан, Сенат кўриб чиқиши учун эса, қўмиталар томонидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан киритилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига оғзаки жавобни тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида палаталар белгилаган муддатда беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим.

Парламент сўровига ёзма жавоб Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Ёзма жавобнинг нусхалари тегишли палатанинг мажлисида ўқиб эшиттирилгунига қадар олдиндан Қонунчилик палатаси депутатларига, Сенат аъзоларига юборилади.

Парламент сўровига жавоб тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси, Сенат парламент сўрови муҳокамаси якунлари бўйича қарор қабул қилади.

**15-модда. Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови**

Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, Сенат аъзоси эса, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади.

**16-модда. Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш**

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари иш режаларига, Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ҳамда улар кенгашларининг қарорларига мувофиқ ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси, Сенат, уларнинг кенгашлари ва қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига юборилади.

**17-модда. Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш**

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади. Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ўрганиш давомида давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосаларини, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни сўраб олиши мумкин.

Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши, шунингдек ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатаси, Сенат кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторингни амалга ошириш якунлари Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари мажлисларида кўриб чиқилиши мумкин.

**18-модда. Парламент текшируви**

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилиш.

Комиссия Олий Мажлис палаталарининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган иш тўғрисида Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

**19-модда. Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш**

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилади.

Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

**20-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан парламент назоратини амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назоратини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширади.

**21-модда. Парламент назорати натижалари**

Парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича:

ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг амалга оширилиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклифлар ва тавсиялар киритиши;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориши;

парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориши;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиши;

мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиши;

янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиши;

парламент назорати натижаларини эълон қилиши мумкин.

**22-модда. Парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилишини таъминлайди;

парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

таклифлар ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида парламент назорати субъектларига хабар қилади;

қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўради.

**23-модда. Парламент назорати субъектларининг мажбуриятлари**

Парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини парламент назоратини ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар билан таништириши;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслиги;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

Парламент назорати субъектларининг зиммасида қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**24-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг мажбуриятлари**

Парламент назорати субъектлари парламент назоратини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари:

парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги;

парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши, шунингдек уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаши шарт.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент назорати субъектларининг парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларини кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни белгиланган муддатда хабардор қилиши шарт.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг зиммасида қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**25-модда. Парламент назорати натижаларини кўриб чиқишнинг очиқлиги ва ошкоралиги**

Парламент назорати натижаларини кўриб чиқиш бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ҳамда улар органларининг мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади. Мажлисларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Зарурат бўлганда, Қонунчилик палатаси, Сенат ва уларнинг органлари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Парламент назорати натижалари оммавий ахборот воситаларида ва Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши мумкин.

**26-модда. Парламент назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Парламент назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 11 апрель
№ ЎРҚ—403



# МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Жаҳон тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган, мардлик ва адолат тимсоли сифатида улуғланадиган буюк инсон — Амир Темур ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганишга халқаро миқёсда қизиқиш жуда катта, — дейди Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак-Анри Ольс. — Дарҳақиқат, ўзидан бой маданий мерос қолдирган соҳибқирон номи ҳам буюк саркарда, ҳам улуғ маърифатпарвар, яъни илм-фан ҳомийси сифатида эътироф этилади. Мен буюк давлат арбобининг 1402 йили Франция қироли Карл VI га йўллаган мактуби ҳақида гапирмоқчиман. Унда Амир Темур жамики мамлакатларни тинчлик ва бирдамликка, ободончилик ҳамда бунёдкорлик ишларига, давлатлараро савдо йўлларини вужудга келтиришга даъват этган. Франция ва Ўзбекистоннинг бугунги ҳамкорлигида ҳам ана шундай эзгу ниятлар мужассам.

Тарихдан маълумки, темурийлар салтанати ўз даврида Осиё ҳамда Европа қитъасидаги йирик мамлакатлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, тинч-тотув қўшничилик муносабатлари орқали ривожланишга юз тутиш тарафдори бўлган. Ва ушбу жиҳат ҳозирги пайтда ҳам ўта муҳим, долзарб аҳамиятга эгадир. Шуни инобатга олган ҳолда, бугун, айниқса, ёш авлоднинг улуғ аждодимизга хос оқиллик ва одиллик, мардлик, қатъият, хайру саховат, меҳр-мурувват каби етук маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб етишишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Маросимда шоир Сирожиддин Раупов "Соҳибқироним" шеърини ўқиб берди. Тадбир давомида Амир Темур ҳақида дунёга машҳур давлат арбоблари, шоирлар, адиблар, олиму фузалолар томонидан билдирилган фикрлар юртимиз олий ўқув юртлари талабалари томонидан ўзбек тилида ва асл манба тилларида янгради.

Соҳибқироннинг 680 йиллик таваллуд тўйи арафасида қашқадарёлик 65 ёшли ҳаваскор спортчи Абдужаббор Холбоев хайрли ишга қўл урди. Гап шундаки, у Шаҳрисабздан Тошкентга пиёда сафар қилиб, 9 апрель эрта тонгда пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонига кириб келди.

— Ушбу қутлуғ сана муносабати билан "680 йилга 680 минг қадам" шиори остидаги лойиҳани амалга оширдим, — дейди А. Холбоев. — Хўжаилғор қишлоғидан соҳибқирон ҳайкали қад ростлаган майдонгача бўлган масофа 411 километрни ташкил этар экан. Шуни икки марта хронометраж қилгач, инсон қадами билан чамаладик. Натижада у 680 минг қадамга тенг бўлди. Йўл-йўлакай борган жойларимизда юртдошларимиз бизни очиқ чеҳра ва меҳр-эътибор билан кутиб олишди. Самарқанд шаҳрига кирганимда эса Амир Темурнинг 680 йиллигига 680 туп кўчат ўтқаздик.

Тадбирда ана шундай мазмундаги фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг иштирокчилар бобокалонимиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи Давлат музейида "Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир доирасида темурийларга оид дурдоналар, нодир қўлёзмалар, истиқлол йилларида Амир Темур ҳамда темурийлар тарихи ҳақидаги китоблар кўргазмаси ташкил қилинди.

Соҳибқирон таваллудининг 680 йиллиги Самарқанд вилоятининг барча гўшасида кенг нишонланди. Хусусан, 9 апрель санасида эрта тонгдан жамоатчилик вакиллари, ёшлар Амир Темур мақбарасини зиёрат қилдилар. Улуғ саркарда ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбирда иштирок этганлар тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бобокалонимизнинг қудратли давлат, адолатли жамият барпо қилиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Сана муносабати билан вилоятдаги таълим муассасаларида ҳам анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Амир Темур таваллуд топган замин — Қашқадарё вилоятидаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда мактабларда уюштирилган анжуманларда ҳам мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар Амир Темур бобомизнинг қарашларига моҳиятан уйғунлиги алоҳида таъкидланди.

Шаҳрисабз шаҳридаги соҳибқирон ҳайкали қад ростлаган майдон шу куни ҳар қачонгидан-да гавжум бўлди. Бу ерда турли соҳа вакилларини учратиш мумкин эди. Қадимий Кешга ташриф буюрган хорижликлар ҳам тадбирларнинг фахрий меҳмонларига айланишди.

— Буюк Амир Темурнинг 680 йиллигига бағишланган маросимларда қатнашиб, олам-олам таассурот олдик, — дейди Бангкок шаҳри (Таиланд)дан ташриф буюрган сайёҳ Чатрарат Вимол Метгенан. — Ушбу саёҳатимдан беҳад мамнунман. Юртингизнинг бетакрор манзараси, меҳмондўст халқи мени бу муқаддас юртга ҳали яна кўп марта келишга ундайверади.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам бўлиб ўтди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,
Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

# Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим механизми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашда гиёҳвандлик моддаларини трансмиллий ташишга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тасдиқланган режа асосида наркотик моддаларнинг ноқонуний олди-сотдиси орқали террористик ва экстремистик ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш каналларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётир.

Ҳозирги вақтда ШҲТга аъзо давлатларнинг 2017 — 2022 йилларга мўлжалланган Наркотикларга қарши кураш стратегияси ва унинг ижроси бўйича Ҳаракатлар дастури, Жиноятчилик билан курашда ҳамкорлик ҳақидаги битимни бажариш бўйича Тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. ШҲТ МАТТ доирасида Экстремизм билан кураш бўйича концепция лойиҳаси кўриб чиқилаётир. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ШҲТ маконида тинчлик, осойишталик ҳамда изчил ривожланишни таъминлашдаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Маълумки, бугун ахборот-коммуникация технологиялари жадал равнақ топиб, улар давлат ва жамиятнинг барча жабҳасига кириб бораяпти. Шуни назарда тутган ҳолда, ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари Котиблари учрашувлари чоғида мунтазам равишда АКТдан вайронкор мақсадлар йўлида фойдаланилишини бартараф этиш ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади. Ушбу йўналишда Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилиб, муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари вакиллари ўртасида йўлга қўйилган доимий мулоқот ШҲТнинг замонавий таҳдидларга қарши кураш самарадорлигини янада юксалтириш, аъзо мамлакатлар манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқий меъёр ва тамойилларнинг устуворлиги асосида минтақада тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш юзасидан ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# Сайловга тайёргарлик — масъулиятли жараён

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Овоз бериш хонаси, бюллетенлар ҳам тайёр қилиб қўйилди. Шу кунларда эса аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бораяпмиз, фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ўтказаяпмиз. Семинарда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ билимимизни янада мустаҳкамладик. Бу, албатта, муносиб кишиларни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар сифатида кўрсатишда ҳамда сайлаш жараёнида асқатишига ишонаман.

**Бухоро**да ташкил қилинган семинарда бўлажак сайлов унда иштирок этадиган ҳар бир кишидан катта билим ва масъулиятни талаб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига эл-юрт ҳурматини қозонган, ҳаётий тажрибага эга, ташаббускор фуқароларни кўрсатиш ҳамда сайловни ошкоралик руҳида ўтказиш бўйича мулоҳазалар билдирилди. Кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг вазифалари ҳамда бўлажак сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида батафсил маълумот берилгани ҳам қатнашчилар учун айни муддао бўлди.

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиздаги ўрни тобора ошиб бормоқда, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзоси, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими бошқаруви раиси М. Тоиров. — Ҳозирги пайтда фуқаролар йиғинлари жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш каби устувор вазифалар ижросида фаол қатнашиб келмоқда. Шунинг ўзиёқ ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларни кўрсатишга ўта масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Семинарда шу каби масалалар бўйича фикрлашиб олингани кўмаклашувчи комиссиялар аъзолари ҳамда ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари учун фойдали бўлди.

**Урганч**да уюштирилган семинарда Хоразм вилоятида сайловга пухта тараддуд кўрилаётгани алоҳида таъкидланди. Айни чоғда сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодларни кўрсатишнинг аҳамияти, сайловни ўтказиш тартиби ҳамда якунларини эълон қилиш, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараённи ОАВда ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мутахассислар томонидан чуқур таҳлил этилди.

— Бўлажак сайлов маҳалланинг нуфузини янада ошириши, пировардида фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Б. Машарипов. — Зеро, сайловда вилоятимиз бўйича 601 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 5 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланади. Ушбу масъулиятли лавозимларга халқ орасида обрў-эътибор қозонган, одамларни ортидан эргаштира оладиган фуқароларнинг сайланиши юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш жараёнларида маҳалла институтининг фаол иштирокини таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Самимий мулоқот тарзида кечган семинарда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиш бўйича берилган тавсиялар олдимизда турган ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказишимизда қўл келади.

— Мутахассислар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тавсиялар кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг фаолиятида дастуриламал вазифасини ўтайди, — дейди Урганч туманининг "Қорамон" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раиси М. Бобожонов. — Шу маънода, бу семинар биз учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди, дейиш мумкин.

**Қарши** шаҳрида ташкиллаштирилган семинарда сайловда вилоят бўйича 660 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 6 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилгани айтиб ўтилди. Ҳозирги пайтда сайловга тайёргарлик ишлари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда изчил олиб борилмоқда.

— Жамиятимизни ислоҳ этиш ҳамда демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда ўтказилаётган мазкур сайловни юқори савияда ташкил этиш, унда қонунийлик, очиқ-ошкораликни таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси И. Аброров. — Айниқса, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни танлашда шу тамойилларга амал қилиш муҳим ҳисобланади. Семинарда кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳларнинг фаолиятига доир маълумотларга кенг ўрин берилди. Мутахассислар томонидан фуқаролар йиғини сайловининг қонунчилик асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа мавзулар атрофлича таҳлил этилгани барча иштирокчи учун фойдали бўлди, деб ҳисоблайман.

Семинарда жойларда ташкил қилинган ишчи гуруҳларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар баробарида, истиқболдаги вазифалар ҳақида ҳам аниқ тавсиялар берилди.

— Фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимлари учун кўрсатилаётган номзодларнинг билим ва тажрибасига алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди Қарши шаҳар "Дарвозатутак" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раиси О. Эшонқулов. — Чунки уларнинг орасидан сайланганлари келгусида фуқаролар йиғинидаги жамоатчилик комиссияларига раҳбарлик қилади. Шундай экан, ҳар томонлама муносиб, ташаббускор фуқароларни номзод қилиб кўрсатиш жуда муҳим.

**Навоий** шаҳрида уюштирилган семинарда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар кўрилаётгани, хусусан, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилди. Бўлажак сайловда муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши келгусида маҳалла институтининг аҳоли ўртасидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, ҳудудда ишчи гуруҳлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш баробарида, аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаяпти.

— Маҳалламизда фуқаролар йиғини сайловига тараддуд қизғин давом этмоқда, — дейди Кармана тумани "Бешкент" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раиси Ш. Халилов. — Семинар ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатишда фуқароларнинг фикрларини инобатга олиш, маҳалла раислигига кўрсатилган номзодларнинг келгуси фаолият дастурлари билан яқиндан танишиш, номзодлар ҳақидаги ахборотни йиғин биноларида, гузарларга осиб қўйиш тартиб-таомиллари ва бошқа яна қатор масалалар юзасидан маълумотлар берилгани биз учун фойдали бўлди. Бу ерда олган билимларимиз фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган семинарлар жойларда давом этмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Шижоатли ёшлар фестивали

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Жомбой туманидаги акция "Сиз севган қаҳрамонлар" лойиҳаси билан бошланди. Жомбой транспорт касб-ҳунар коллежида уюштирилган "Камолот" кутубхонаси" мавзуидаги тадбирда ўғил-қизлар савол-жавоблар орқали ўз билимларини мустаҳкамлашди.

— Ушбу анжуманда қатнашганимдан жудаям хурсандман, — дейди тумандаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилноза Қудратова. — Тадбир давомида кўплаб саволларга жавоб бердим ва севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг Ватан ҳақидаги шеърини айтдим. Юртимизнинг таниқли ижодкорларидан совға сифатида турли китоблар олганим умрбод ёдимда қолади.

Булунғур педагогика ва спорт коллежи, 1-умумтаълим мактаби ҳамда 9-сон мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган учрашувлар ҳам туман ёшлари қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирди. Тайлоқ туманида ташкил қилинган фестиваль юз-кўзларидан шижоат, заковат ёғилиб турган йигит-қизлар учун ўзига хос шодиёнага айланди. Айниқса, "Ўзбекистонга хизмат қиламан!" лойиҳаси доирасида ўтган тадбирда аскарларнинг кўргазмали чиқишлари навқирон авлод вакиллари қалбида мардлик, бурчга садоқат, юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини илҳомлантиргани, шубҳасиз.

Фестиваль доирасидаги учрашув ва мулоқотлар Ургут иқтисодиёт коллежи, спорт ва хизмат кўрсатиш, агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежларида ҳам давом этди. Хусусан, "Одам савдоси — давр муаммоси", "Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажагига таҳдид", "Бу менинг Ватаним!" лойиҳаларида кўплаб ўқувчилар иштирок этди.

"Ёшлар жонли ижро тарафдори", "Марра бизники" шиори остидаги марафон, "Сиёб деҳқон бозори"да флеш-моб, "Юлдузлар билан тарихга саёҳат" дастурлари ҳам қизиқарли кечди. Ўз навбатида, Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан "Темур тузуклари" китоби медиа-тўплам шаклида ёшларга тарқатилди.

Фестиваль Самарқанд шаҳридаги "Динамо" стадионида ўтказилган "Мустақиллик фарзандларимиз" шиори остидаги гала-концерт билан якунланди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев сўзга чиқди.

"Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги фестиваль кеча Навоий вилоятида ҳам бошланди.

**Акрам ҲАЙДАРОВ.**

ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, умумтаълим мактабларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва спорт анжомлари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа чолғу асбоблари, инвентарлар ва мебеллар билан жиҳозлаш бўйича Тендер комиссияси томонидан жорий йилнинг 29 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг xtv.uz, 2 март куни «Маърифат» газетасининг 18 (8875)-сонида ва 10 март куни «Халқ сўзи» газетасининг 48 (6483)-сонида болалар мусиқа ва санъат мактабларига ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейига мебель, мусиқа чолғулари ҳамда ускуналар харид қилиш бўйича очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилган эди.

Мазкур эълон бўйича тендер савдосининг 28-лоти «Компьютер синф хоналари учун компьютер техникалари», 29-лоти «Мусиқий марказ», 30-лоти «Ёритиш ускуналари», 31-лоти «Майда маиший жиҳозлар» бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2016 йил 14 апрель соат 17.00 га қадар узайтирилди.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

**Телефонлар: (0-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35.
Факс: (0-371) 239-18-24.**

567А/254

# Китоблар оламига саёҳат

Бухоро вилояти ахборот-ресурс марказида "Болалар китоби оламига саёҳат" ҳафталиги доирасида тадбирлар ташкил қилинди. Унда педагоглар, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар иштирок этди.

**ҲАФТАЛИК**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур ҳафталикда "Китоб — хазиналар калити, тафаккур манбаи" деб номланган янги адабиётлар кўргазмаси, "Янги асрнинг кичик китобхони" билимдонлар беллашуви, "Эртак қаҳрамонлари болалар ижодида" расмлар танлови каби ўғил-қизларнинг салоҳиятини, тафаккурини оширишга қаратилган қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

Ҳафталик дастуридан ўрин олган худди шундай тадбирлар вилоятдаги барча туман ахборот-ресурс марказларида ҳам бўлиб ўтди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси Суд ижрочилари Бухоро шаҳар бўлимининг 2016 йил 23 февралдаги 01-03/29371/73-сонли ва 2016 йил 6 апрелдаги 109/3-сонли буюртма хатларига асосан, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

● 2015 йил 10 июлдаги И-2945/Bsh 2015-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро вилояти, Когон тумани, Баҳоуддин Нақшбанд номидаги ҚФЙ, Киракашхона қишлоғида жойлашган, ер майдони 1,146 гектар, қурилиш майдони 399,3 кв.м., фойдаланиш майдони 240,5 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 (саксон миллион) сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 28 апрель куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

● 2016 йил 27 январдаги 1-36/16-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро шаҳри, Намозгоҳ кўчасида жойлашган, ер майдони ҳужжат бўйича 200,0 кв.м., аслида 1220,25 кв.м., қурилиш майдони 183,62 кв.м., фойдаланиш майдони 164,14 кв.м. бўлган омборхона, темир контейнердан ясалган 2 та омборхона, ошхона, 2 та яшаш хонаси, молхона айвонидан иборат бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 187 790 000 (бир юз саксон етти миллион етти юз тўқсон минг) сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 19 май куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар биринчи аукцион савдоси учун 2016 йил 27 апрелга қадар, иккинчи аукцион савдоси учун 2016 йил 18 майга қадар иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат тўғрисидаги келишув шартномасига мувофиқ, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва ваколатли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этишлари керак.

Аукцион савдоси ғолибига сотиб олинган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида 100 фоиз тўлаш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «Real estate business» МЧЖ, ҳ/р: 20208000000485440001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро вилояти минтақавий филиали, МФО: 00115, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

**Буюртманомаларни тақдим қилиш, объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумот олиш учун манзил: 200100, Бухоро шаҳри, 7-«А» уй ("Бухоро" марказий стадиони рўпарасида). Телефонлар: (0-365) 221-52-82, (+99890) 383-84-80, (+99893) 383-00-17.
Аукцион ташкилотчиси — «Real estate business» МЧЖ.**

589А/269

*Хизматлар лицензияланган.*

# Тезкор, қулай ва кафолатли хизмат

*Ҳар қандай мамлакат ривожида молия муассасаларининг ўрни ҳамда аҳамияти ниҳоятда беқиёс. Шу боис ҳам банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланади.*

*Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимиз тижорат банклари тезкор, қулай ва кафолатли хизматлари билан мижозлар ишончини оқлаб, уларнинг доимий ҳамкорига айланган. Буни тадбиркорлар ўз бизнес лойиҳасини амалга оширишда, энг аввало, ана шу муассасаларга мурожаат қилаётгани ҳам яққол тасдиқлайди. Зеро, банклар томонидан таклиф этилаётган имтиёзли кредитлар ишбилармонларга сердаромад тармоқларни ўзлаштиришга катта туртки бўлиши билан бирга, янги иш ўринлари яратилиши, шу орқали аҳоли фаровонлиги таъминланишига ҳам хизмат қилаётир.*

*Юртимизда молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига етказиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг тегишли Фармон ҳамда қарорлари дастуриламал бўлаяпти. Натижада молия муассасалари барқарорлиги таъминланиб, улар юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшишга интилаяпти. Буни "Агробанк" АТБнинг Наманган вилояти бошқармаси ва филиаллари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*Мазкур молия муассасаси кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишда энг яқин кўмакчига айланган, десак, муболаға эмас. Банкнинг вилоят бошқармаси томонидан 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 72 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари йўналтирилгани фикримиз тасдиғидир. Бунинг эвазига нафақат туман ва шаҳарларда, балки олис ҳудудларда ҳам замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Оилавий тадбиркорлик тузилмалари иш бошлаяпти. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун кафолатли иш ўринлари очилаётгани диққатга сазовор.*

*Бошқача айтганда, ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Қуйида улардан айримларининг дил сўзлари билан танишиб, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.*

## Молия муассасаларида

### Ишончли ҳамкор

Изланувчанлик, ташаббускорлик ўзбек аёлларига хос фазилатлардан саналади. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани туфайли аёллар ўз иқтидорини ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳасида тўла намоён этмоқда. Айниқса, тадбиркорлик, фермерлик ва ҳунармандлик билан шуғулланаётган опа-сингилларимиз сафи йил сайин кенгайиб, бандликни таъминлаш, қолаверса, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилишаётгани қувонарлидир. Мен ҳам ана шундай ишбилармон аёллар сафида эканимдан доимо ғурурланиб юраман.

Тўғри, аёл киши учун бизнес фаолиятини олиб бориш ўз-ўзидан бўлмайди. Аммо мана шу масъулиятни зиммасига олганлар бугун ҳеч кимдан кам эмас. Жамиятда обрў-эътибори ортиб, эл-юртнинг эътирофига сазовор бўлаяпти. Буни ўз фаолиятим мисолида ҳам айтишим мумкин.

Дастлаб тадбиркорликни йўлга қўйишимда "Агробанк"нинг Учкўрғон филиали кўмаги менга асқатди. Кунгабоқарни қайта ишлаб, ундан ёғ олишга қаратилган бизнес-режам ушбу муассаса томонидан 305 миллион сўмлик кредит эвазига молиялаштирилди. Ана шу сармоя ўз бизнесимни йўлга қўйишда ҳал қилувчи омил бўлди. Ҳозирги пайтда корхонамизда кунига 4 тоннагача ўсимлик ёғи тайёрланмоқда.

Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб бораяпмиз. Бунда, албатта, яна ишончли ҳамкоримиз — "Агробанк" кўмагига суянамиз!

**Ҳ. ДАВЛАТОВА,**
**«Одина Ҳакима Жасур» хусусий корхонаси раҳбари.**



### Эътибор ва ғамхўрлик

Юртимизда тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, соҳа вакилларига турли имтиёз ҳамда енгилликлар яратиб берилаяпти. Биз, ишбилармонлар бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланиб, янада юксак марраларни забт этиш пайидан бўлмоқдамиз.

Тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйишда "Агробанк" АТБ Косонсой филиалининг 280 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ушбу маблағ эвазига хорижнинг энг замонавий тикув дастгоҳларини харид қилиб, махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга киришдик.

20 киши ишлаётган корхонамизда тайёрланаётган либослар ўзининг сифати билан харидорлар эътиборига тушди. Даромад ҳам меҳнатимизга яраша ортиб бормоқда.



Жорий йилда янада рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, ички бозордаги мавқеимизни мустаҳкамлаш, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Ушбу мақсадимизнинг амалга ошишида "Агробанк" яқиндан кўмакдошимиз бўлишига ишончимиз комил.

**Ш. ЖЎРАЕВ,**
**«Sheraton industry» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

### Муносиб ҳисса

Ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда. Бу халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш йўлида олиб борилаётган улкан ислоҳотлар самарасидир. Мазкур жараёнда, айниқса, деҳқон ва фермерлар фаол иштирок этиб, ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани қувонарлидир.

Албатта, булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Соҳага қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик ҳамда молиявий кўмак қўлга киритилаётган ютуқларимизни янада мустаҳкамламоқда.

Биз ҳам фаолиятимизни кенгайтириш йўлида изланиб, бизнес-режа устида иш олиб бордик. Бунинг самараси ўлароқ, иссиқхона ташкил қилдик. Ушбу лойиҳани рўёбга чиқаришда "Агробанк"нинг Норин филиали ажратган 50 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаландик. Тўрт киши фаолият кўрсатаётган иссиқхонада лимон, помидор, бодринг, қолаверса, турли кўкатлар етиштирилиб, аҳолига арзон нархда етказиб берилаяпти.

Халқимиз дастурхони баракасига, оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз.

**А. УМАРОВ,**
**«Жамшидбек Қўзибой ўғли» фермер хўжалиги раҳбари.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Кўриниб турибдики, "Агробанк" АТБ Наманган вилояти бошқармаси ва филиаллари сармоялари ҳудудда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга йўналтирилмоқда. Банк жамоаси юртимизнинг порлоқ истиқболига хизмат қиладиган бундай лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ишларни бундан кейин ҳам изчил давом эттираверади.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

## Хабар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 2 АПРЕЛДАН 8 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сонли «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-08-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2774 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 3 мартдаги 10, 2016-06-сонли «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775 (2016 йил 11 апрелдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 10 мартдаги 15-сонли «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-5 (2016 йил 11 апрелдан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 16 мартдаги 14, 2016-07-сонли «Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2195-2 (2016 йил 11 апрелдан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-17-сонли «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-2 (2016 йил 21 апрелдан кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 5 мартдаги 5, 6/1-сонли «Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 524-1 (2016 йил 11 апрелдан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 25 мартдаги 31-сонли «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2776 (2016 йил 11 апрелдан кучга кирди).***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1807-1, 2009 йил 15 январь), (рўйхат рақами 1807-2, 2013 йил 21 июнь), (рўйхат рақами 1807-3, 2014 йил 28 март), (рўйхат рақами 1807-4, 2015 йил 18 июнь).

***Адлия вазирининг 2016 йил 7 апрелдаги 65-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Спорт

***Футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лигаси тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

### Кутилмаган дуранг, илк ғалаба

Унинг доирасида Жиззахнинг "Сўғдиёна" клуби ўз майдонида "Локомотив" (Тошкент) жамоаси билан дуранг натижа қайд этди. Баҳснинг 47-дақиқасида мезбонлар вакили Мурод Холмуҳаммедов ҳисобни очди. Бироқ 81-дақиқада "темир йўлчилар" ҳужумчиси Темурхўжа Абдухолиқов мувозанатни тиклаб, жамоасини мағлубиятдан қутқариб қолди.

Пойтахтнинг яна бир клуби "Бунёдкор" эса Ғузорда "Шўртан" жамоаси устидан кичик ҳисобда зафар қучди — 1:0. Ягона голга япониялик легионер Сато Минори муаллифлик қилди. "Қўқон — 1912" (Қўқон) ҳам ўз майдонида худди шу ҳисобда "Бухоро" (Бухоро)га имкониятни бой берди.

Яна бир қизиқарли баҳс "Андижон" (Андижон) — "Нефтчи" (Фарғона) ўртасида кузатилди. Бу галги "водий дерби"да омад андижонликларга кулиб боқди — 2:1.

Мубораkнинг "Машъал" клуби ҳам кескин ва мурosасиз кечган беллашувда "Навбаҳор" (Наманган) жамоасини бир тўп фарқи билан (2:1) енгишга муваффақ бўлди.

"Олмалиқ" жамоаси, ниҳоят, узоқ давом этган муваффақиятсиз сериясига чек қўйиб, мазкур биринчиликдаги илк уч очкосини олди. Яъни Игорь Шквирин шогирдлари Олмалиқда Бекободнинг "Металлург" клубини 2:0 ҳисобида мағлуб этди.

Турнир дебютанти "Обод" (Тошкент) эса Зарафшондан ташриф буюрган "Қизилқум" клуби футболчилари билан "муроса кўчаси"ни танлади — 2:2.

Турнинг кеча бўлиб ўтган марказий беллашувида пойтахтнинг "Пахтакор" жамоаси Қаршининг "Насаф" клубини қабул қилди. Унда 1:1 натижаси қайд этилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

### Саралаш босқичлари ўтказилмоқда

***Қорақалпоғистон Республикасида "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари дастуридаги футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бокс бўйича минтақавий саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари терма жамоалари якуний босқичга чиқиш учун кураш олиб борди.

Мусобақалар сўнгида мезбонлар футбол, баскетбол (ўғил ва қизлар), волейбол (ўғил ва қизлар), қўл тўпи (ўғил болалар) бўйича финал йўлланмасини қўлга киритди. Хоразмлик қизларга гандбол ўйинларида омад кулиб боқди.

Рингларда кечган беллашувлар ҳам қизиқарлилиги билан ёдда қолди. Уларда ўз вазн тоифалари бўйича бухоролик Мироншоҳ Иброгимов, Акмалшоҳ Тўраев, Миршод Тўхтаев, Нозимжон Азимов, Азамат Эргашев, хоразмлик Фарҳод Полвонов, Илҳом Қурбонбоев, Шоҳрухбек Эркинов, қорақалпоғистонлик Ҳожимуқон Ешимбетов, Ботирбек Хожабеков барча рақибидан устун келиб, ҳал қилувчи босқичда қатнашиш имкониятига эга бўлди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳамюртимиз — халқаро турнир ғолиби

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Жаҳонгир Воҳидов Англиянинг Харроу шаҳрида шахмат бўйича ташкил этилган анъанавий "Colin Crouch Celebration Chess Congress" турнирида биринчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртимиз тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, мазкур мусобақада 44 нафар шахматчи ғолиблик учун дона сурди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**




Экскаваторы колесные и гусеничные
Экскаваторы-погрузчики
Фронтальные погрузчики
Мини-погрузчики
GST OIL
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ
Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62,
(+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.
Узбекистан,
100050, г. Ташкент,
ул. Иссиксув, 118,
gsthyundai@gmail.com
Товар сертифицирован 366R/55


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ**
**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.**
**«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6 ва 9 от кучига эга.**
**Дизель ҳамда бензин ёнилғисида ишлайди.**

Маҳсулотлар сертификатланган.
**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.**
**www.motoblok.uz**
383R/144


Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси катта илмий ходим-изланувчи Ольга Гимрановага фарзанди **Ратмир ГИМРАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6